

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва ҳалқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.



№ 287 (6. 178)



1986 йил 16 декабрь, сешанба

Баҳоси 3 тийин



Илҳомбахш меҳнатимиз— ўн иккинчи беш йилликка

Юқори зичликда ишлаб

«Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили план-топиригини муддатидан илгари бажарган йигирувчиларни табриклиймиз!» — Тошкент тўқимачилик комбинати 3-йигирув фабрикаси йигирув цехига кираверишда ушбу табриқнома ҳам-манинг диққатини жалб этади. Киши беихтиёр табрикнома остидаги илгор ишчиларнинг фамилияларига қўз таълайди. Улар орасида Т. Громцева, Г. Пак, С. Идрисова, Г. Хабарова, М. Хасанова, Г. Собитова, Х. Бобоева ва бошқаларнинг фамилиялари бор. Улар ўн иккинчи беш йиллик бошдан бери корхонада зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатиб келатган, коллективнинг чинакам ифтихорига айланган кишилардир. Улар йиллик планини адо этганликлари ҳақида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 69 йиллиги арафасида рапорт берган эдилар. Ҳозир эса янги беш йилликнинг иккинчи йили дастлабки ой-лари ҳисобига маҳсулот тайёрлашда.

Юқори зичликда, оширилган зоналарда ишлаб-сулут тайёрлаётган бу илгорлар ҳозирги кунда смена топириқларини 108 — 110 процентга етказиб адо этиш-япти. Уларнинг деярли ҳам-маси ёшлар, корхонадаги меҳнат стажлари беш-олти йилдан ошмади. Цехда му-рабийчилик ҳаракатининг яхши йўлга қўйилганлиги, «Бир киши — ҳамма учун, ҳамма — бир киши учун» шioriга қатъий амал қилиб ишлаш тўғрисида улар қисқа вақтда йигирувчилик касби сирларини пухта ўрганиб олишди.

Ҳозир фабрика маъмурияти бу илгорларнинг таъри-биясини омалаштиришга, илгорларнинг бутунги кўр-саткичлари эртага коллективга норма бўлиб қолиши учун зарур чора-тадбирларни кўряпти.

З. ДУСТМУХАМЕДОВА.

Сифат— диққат марказида

— Қурувчининг меҳнати иш сифати билан ўлчанади. Бунини яхши тушуниш бунёдкорларимиз сифат масаласига алоҳида эътибор беришяпти, — деди бизга бригада бошлиғи Н. Сайфуллин.

Коллективда ўрнатилган меҳнат қилаётган қурувчилардан беш кишилик сифат комиссияси тўзилган. Унинг аъзолари биринчи навбатда ибрат кўрсатиб ишлаш билан бирга ҳаммасларни бажараётган кундалик ишни назорат

қилиб боришади. Бу янгилик ўз самарасини бермоқда. Сўнгги вақтларда бригада қурувчилари томонидан фойдаланишга топширилган барча объектлар яхши ва аъло баҳоларга қабул қилинмоқда. «Гавташкентстрой»нинг 153-трести 62-қурилиш бошқармасига қарашли бу бригада аъзолари шу кунларда Октябрь районидаги «Баҳор» кўчасида 40 оиллага мўлжалланган бино қурилишда самарали меҳнат қилишяпти. 25 кишидан ташкил топган бри-

гадада, турли миллат вакиллари меҳнат қилишади. Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили план-топириқларини муддатидан илгари адо этган бригада бунёдкорлари келгуси йил ҳисобига ишлашяпти. Бригаданинг Э. Ҳожиमतов, Г. Мингулова, М. Кабиров, М. Асқаров каби меҳнатсеварлари эса шахсий беш йиллик план-топириқларини тўрт йилда бажаришга аҳд қилишган.

С. СУЛТОНОВ.

Бунёдкорлар тухфаси

«Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили план-топириқларини бажарган ҳолда кутуб оламиз». «Гавташкентстрой» 153-трестига қарашли 3-қурилиш бошқармасининг Ф. Екубова бошчилигидаги комплекс бригадаси аъзолари ана шу шiori остида социалистик му-

собақани авж олдириб иш-лашяпти.

Бригада пудрати асосида меҳнат қилаётган бунёдкорлар шу кунларда Чилонзор массивининг «Д-20» квар-талида қад кўтарган 56 квартиралы бинода қурилиш ишларини низоҳатга етказишмоқда. 42 кишидан таш-кил топган бригаданинг Р.

М. ФЕЛЬДМАН.

БОҒЛАР ВА ТОҚЗОРЛАР УЧУН

Тошкентдаги «Средазсельхозмаш» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмасида яратилган янги модификациядаги культиваторлар Урганч районидаги ал-Хоразмий номи-ли ихтисослаштирилган совхоз меҳнатчиларига тоқзорларда қўл меҳнатини ка-мейтириш имконини берди. Янги меҳанизмлар хилма-хил операцияларни бажара-ди: эгет олади, тоқзорни кў-мади, қатор ораларини чу-қур юмшатиб, ўғит солиди. Бу культиваторлар (пишик-пүхте, иштилати осон. Улар туپроқни маълум чуқурлик-да юмшатиши таъминлай-диган гидравлик приводлар билан жиҳозланган.

(ЎЗАТ).

Замондошимиз



КОММУНИСТНИНГ ШАХСИЙ НАМУНАСИ

Бу йилнинг қўл вақти ишонада ўтади. Инча, у ишдан ташқари вақтларда ҳам корхонада қолиб меҳнат қилгани учун қўшмача иш ҳақи олга керакда, деб ўйларсиз. Йўқ, астойдил берилган корхонани иккинчи уйига айлантирган. Одатда, шундай кишилар ҳам бўладик, улар ҳар хил камчиликларни кўриб туришга ҳам беларво бўлишди. «Кел қўй, менга инча» деб оқайди қарашади. Сир эмас, бундай кишилардан бракичлар, ишқас-наслар, юлғичлар ва ҳоказо одамлар пайдо бўлади. Маъна шундай пайда ўз бурчига бе-парво бўлмайди, иқтисодий манфаатини ҳар қандай шахсий манфаатдан юқори қўядиган, ҳақиқатини тўп-тўғри юзига айтадиган киши-лар бутун коллективнинг жонига оро қиради. Улар — коммунистлардир! Ҳикматилла Зоки-ровни ўз цехидаги ҳар бир коммунистнинг навижд камчилиги ва нуқсонларини баралла ай-

тишини ёқтиради. У цех партия ташкилотининг секретари бўлганигами ёки корхона шарафини деб доимо жон куйдиргани учунми иш-чанлик, ошқоралик, инсонийлик ва камтар-ликни бошқалардан ҳам талаб этади.

Х. Яўдошев етакчилиги қилаётган ком-сомо-л-йшлар бригадаси ҳозир ошхона ва бошқа мебеллар заводда етакчилар сафида бор-япти. Унинг ўзи 1978 йилдан буён шу корхо-нада флот ишлаб келмоқда. У Тошкент об-ласт муқофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлган, Ёш бўкс ҳам кол-лектив ўртасида шунчалик обрў-эътибор қо-зонми осон эмас, албатта. Бунга ў фақат ша-хсий намуна кўрсатиш тўғрисидаги муяссар бўлди.

СУРАДА: Х. Яўдошев.

Т. Керимов фотолари.

Воқеалар. Фактлар. Янгиликлар

Изланиш самараси

Тошкент ирригация ва киш-лоқ ҳўжалигини механизация-лаш инженерлари институтда кейинги уч йил ичида 50 га яқин диққатга сазовор диплом ишн ҳимоя қилинди. Уларнинг аксарияти амалиётда қўллаш учун тасвир этилди. Бир груп-па истеъдодли студентлар из-ланиши натижасида тайёрлан-ган шестерняли гидромашина ўзига кенг йўл топди. Олим П. Абзалов раҳбарлигида

Музыкали-хореография КОМПОЗИЦИЯ

Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бир-лашмаси маданият ва техника саройида болалар бадий ҳа-васкорлик коллективлари ҳам тузилган. «Горшунки» ансам-бли шулар жумласидан. Маз-кур ансамбли яқинда «Болалар йиллиги» истадиолари деб номланган янги програм-мани сахналаштиради. Тинчлик

Хотира кечаси

Ўзбекистон ССР Ёзувчи-лар союзининг Хамид Олим-жон номидаги Адабиётчилар уйида атоқли адиб Николай Тихонов туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

Кечани Ўзбекистон халқ ёзувчиси Комил Яшин олиб бурди. Ёзувчилар Асқад Мухтор ва Евгений Берези-ков адиб ҳақидаги хотира-

Кўргазмада янгича анъаналар

Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида янги кўргазма очилди. У «Ян-гича анъаналар ва урф-одат-лар» деб номланган. Кўргаз-ма социалистик Ўзбекистон-мизнинг янги анъаналари ҳа-қида ҳикоя қилади.

Меҳнат шухрати байрамлари, ёшлар фестиваллари, соци-алистик оила билан боғлиқ бўл-ган янгича урф-одатлар ва анъаналар ҳақидаги материал-лар кўргазмадан муносиб ўрин олган.

Олтин ва кумуш тўйлар, ча-қалоқларни тантанали рўйхат-га олиш, Балоғатга етган ёш-

Р. ИСМОИЛОВА.

«Ўзбекча календарь»

Янги йил билан ҳар бир хонадонда баҳорнинг биринчи қаддиргоҳи каби календарь «меҳмон» бўлиб кириб кела-ди. Биз, умр зарарақлари деганимизда ўтаётган фурс-сатни, дақиқани, кун ва ту-ни, унинг қувонч ва маъ-муларини тушунамиз. Дар-ҳақиқат, календарь вақт ўл-чови бўлиб, у доим ҳаёт йўлини сарҳисоб қилиб туради. Янги йил арафасида Ўзбекистон Журналистлар союзи правленесининг наш-риёт бўлими 1987 йилнинг йиртма «Ўзбекча календарь»-ни ўз мухлисларига тўхфа этди.

«Ўзбекча календарь» му-қовасида ва ички биринчи қаватда Улуғ Октябрь Со-циалистик революциясининг шонли 70 йиллигини акс эттирган она-Ватанимиз бай-роғи, буюк «Аврора» ва ре-волюция жангчилари тас-вирланган. «Интернацио-нал», СССР ва Ўзбекистон ССРнинг гимнлари берилган.

Календарда Коммунистик партияимизнинг тарихий сўзларни, атоқли револю-ционерлар, коммунистлар, Ленин комсомолнинг шон-ли ёшлари, олим ва ёзувчи-лар, турли байрам ва сана-лар ҳақидаги мазмунли ма-териаллар ўрин олган. Ёзув-чилар календарни арақлар эканлар, унда турли-туман қизиқарли воқеаларни, ажо-йиботлар оламни билиб оладилар, адабий-бадий ма-териаллар, одоб-ахлоқ ҳақи-даги ҳикоятлар, ривоятлар ва ҳикматлар, шунингдек фойдаланиш масаладлар билан танишадилар.

Календарнинг зарварақ-ларида ҳар ойда осмон сай-ёраларининг ҳаракати, кон-ногда содир бўладиган воқеа-лар, Тошкент вақти билан Қўшғи ва Ойнинг қиқими ва ботиши, кун узунлиги бе-рилган, ички арақлар ҳар хил расмлар билан безати-гани ўқувчида эстетик завқ уйғотади.

«Ўзбекча календарь» на-гизта-журнал кioskларини ва китоб магазинларидан ҳарид қилиб олиш мумкин.

СТОМАТОЛОГЛАР СЪЕЗДИ

КЕЧА

Тошкентда Ўзбекистон сто-матологларининг II съезди ўз ишчи бошланди. СССР Медицина фанлари ака-демиясининг Бутуниттифоқ хирургия илмий маркази Тошкент филиалида тўплан-ган олим ва мутахассислар стоматология фани ва шу со-ҳада эришилган ютуқлар ҳақида фикрлашмоқдалар.

Съезд муносабати билан

Тошкент давлат медицина институтини стоматология ор-топедия кафедраси муди-ри, медицина фанлари до-ктори, профессор С. А. Зуфа-ров мухбиримизга қуйдаги-ларни гапириб берди.

— Стоматологларнинг би-ринчи съезди бундан роса ўн йил муқаддам бўлиб ўт-ган эди. Ўтган вақт ичида республикамизда стоматолог мутахассислар сафи кенгай-ди, олимлар, илмий ҳодим-лар бу фаннинг муҳим маса-

лалари устида диққатга са-зовор ишларни олиб борди-лар, республикада аҳолига стоматология хизмати кўр-сатишни ташкил этишда бир қатор янгиликлар таъбиқ этилди. Ҳозир республика муассасаларида минглаб тиш врачлари, техниклар ишлаб турибди. Бу кадрларнинг де-ярлик барчаси медицина институтимиз стоматологик факультетида таълим олган. Шу нарсани мамнуният би-

лан айтиб ўтиш керакки, факультетимиз Совет Итти-фоқида энг йирик кадрлар ўчоғи ҳисобланади. Ҳар йи-ли факультетта 425 студент қабул қилинмоқда.

Съезда мамлакатимиз-нинг турли шаҳарларидан йирик олимлар ва мутахас-сислар ҳам келган. СССР Медицина фанлари ака-демиясининг мухбир аъзоси, Бутуниттифоқ стоматолог-лар илмий жамиятининг раиси Н. Н. Бажанов, про-

фессор Л. Е. Фролова, мос-квалик академик А. И. Рибак-ов, туркменистонлик Т. Т. Танриқулиев ва бошқалар шулар жумласидан.

Съезд ўз ишчи икки кун давом эттиради. Делегатла-ри турли секция мажлисла-рида докладлари муҳона-ма қилиш билан бирга Тош-кентнинг илмий медицина ва давлат муассасалари-ни ҳам бориб кўрадилар.

ҲАМКОРЛИК УЎҚЛАРИ

Бизнинг интервью

Халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, ер кур-расида тинчлик учун кураш, турли соҳалардаги ҳамкор-ликни ривожлантириш бугунги кунда бирдарахланган ша-ҳарлар дўстлигига муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекис-тоннинг Тошкент ва Болгариянинг Хасково областлари аҳолисини қўл йиллардан буён мустаҳкам дўстлик алоқалари боғлаб турибди.

Хасково округи касаба союзлари Совети қошидаги халқ хори ва чолғу оркестри артистларининг пойтахт области ва Тошкентдаги гастроллари муваффақият билан низоҳ-сига етди. Хасководан келган ижодий группа раҳбари Петер Стоилов Сараджев Ватанига жунаб кетиши олди-дан мухбиримизга қуйдагиларни ҳикоя қилиб берди.

Хасково халқ хавас-корлик коллективлари Тош-кент ва пойтахт областига

учинчи марта меҳмон бў-либ келдилар. Бизнинг бу коллективимиз 70 кишидан

иборат. Программанимиздан боллар халқ қўшиқлари ва куйлари ўрин олган. Сафра-римиз учун алоҳида рус халқ қўшиқлари ҳам тайёр-ланди.

Биз маҳоратимизни «Сред-азкабель» ишлаб чиқариш бirlашмасининг маданият саройида намойиш қилдик. Чунки бу корхонанинг кол-лективи бизнинг диъримиз-даги ҳамкасблари билан дўстлик алоқаларини ўрна-тишган. Корхонада бўлган-мизда ажойиб маданият му-ассасаси, унда ҳаваскорлик

санъатини ривожлантириш учун яратиб берилган қу-лай шароитларни кўриб қу-шондик. Боллар қурувчилари шахринида бунёд этган Димитров номидаги 9-мак-табда бўлган учрашув ҳам унутимас бўлди. Бизга ўз-бек халқ чолғу асбобларини соғи қилиб топиришди. Биз бу асбобларда чалишни албатта ўрганамиз.

Янгибўл районидagi «Ле-нинизм» колхозидagi учра-шув ҳам қизиқарли бўлди. Бир сўз билан айтганда, уч-рашуларимиз ва концерт-ларимиз самимий ва дўстона

вазиятда ўтди.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент фили-алини зиёрат қилдик, шаҳри-нинг диққатга сазовор жойларини кўрдик, санъат-кор ҳамкасбларимиз билан учрашдик. Ҳамкорлигимиз кўлами кенгайиб борар экан, янада кўпроқ ижодий учрашувлар ўтказиш им-конияти яратилди. Биз бун-дай учрашувларда тинчлик, дўстликни маҳд этамиз. Бол-лар ва совет халқларининг дўстлиги қудрати ҳар қан-дай олис масофаларни енгиб ўтади.

нистон тевагадиги вазиет-ни тез ва кенг миқёсда нор-малаштириш учун реал йўл-лар мавжуд деган ҳулосага келдиклар. Япониядаги «Ака-хата» газетаси кенг қамров-ли халқаро хавфсизлик, ўз-аро ҳамкорлик системасини қарор топириш учун барча мамлакатлар ва халқларнинг, иқтисодий-сийсий қучларнинг қарбий хавф-хатарига, АҚШ бошчилигидаги империализм-нинг агрессив муддаолазига қарши баҳамжиҳат ҳаракати гоат муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

БЕЛГРАД. Биз Совет Иттифоқида қилган вазити-миз якувларидан мамну-миз, деди Белградга қайтиб келган, ЮКС Марказий Ко-митети Президиумининг Раиси Миланко Реновица оммавий ахборот воситалари вакилларида. Бизнинг фик-ринишча, деди М. Реновица, бу — КПСС Марказий Ко-митети Бош секретари ўр-тқ Горбачев ва бошқа со-вет раҳбарлари билан ўзаро манфаатли-барча масалалар юзасидан узи-кесил фикр-лашиб олиш имконини бер-

ган муваффақиятли ва ўза-ро фойдали визит бўлди.

Бизни ҳамма жойда илқ ва самимий қутиб олдилар. Биз олиб борган музокара-лар дўстлик, ўзаро ишонч ва ошқоралик вазиетда ўтди.

О НЬО-ЙОРК

БМТ Бош секретари Хав-ер Перес де Куэльяр конта-дора группасининг Марказий Америкадаги можарони му-зокаралар йўли билан барта-раф этишга қаратилган қуч-гайратларини қўллаб-қувват-лашга даъват этди.

О ПАРИЖ

ФКП Бош секретари Жорж Марше Франция коммуни-стик партияси активлари би-лан Шатору (Эндр депар-таменти) шаҳрида бўлиб ўт-ган учрашувда нутқ сўзлаб, қўролсизланиш тўғрисида би-тимга эришиш — бугунги кундаги ягона тўғри йўлди, деди. Совет Иттифоқи Рейк-явндаги учрашувда ўртага қўйган ижобий реал тактиф-лар тўғрисида бундай битим-га эришиш мумкин бўлур эди.

О МАДРИД

Испания ҳукуматининг раи-си Филипе Гонсалеснинг об-рў-этибори тушиб бормоқда. Галлап институти ўтказган ва «Я» газетасининг яншаба сонида эълон қилинган на-моатчилик фикрини сўраб билиш натижаларининг кўр-сатишча, савол-жавоб қи-лингиларнинг атиги 44 про-центи Гонсалес бошчилиги қи-лаётган ҳукумат фаолиятини қўллаб-қувватлашини айтган.

ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

КПСС Марказий Комите-ти Бош секретари М. С. Горбачевнинг расмий дўст-лик визити билан Совет Иттифоқида келган АХДП Марказий Комитети Бош се-кретари Нажиб билан ўтказ-ган музокаралар чет эл мат-буотининг асосий мавзулари-дан биридир.

Афронистоннинг «Ҳақи-қате ниқоб» Савр» газе-таси музокаралар давомида

СССР билан АДП ўртасида тарихан қарор топан яхши қўшничилик муносабатлари мунтазам ва муттасил ри-вожланиб бораётганлигидан тўла мамнуният изҳор қилин-ди, турли соҳаларда ана шу муносабатларни янада чу-қурлаштириш учун қулай имкониятлар мавжудлиги уқ-тириб ўтилди, деб таъкид-ладди.

Венгрияда чиқадиган «Неп-

ЖОНАЖОН БАТАН БЎЙЛАБ


Челбиини. «В. И. Ленин номидаги Челбиини трактор заводи» бирлашмасининг 2-механика цехида меҳнат қилаётган коммунист А. Карачунов бошлиқ комплекс бригада катта ютуқларни қўлга киритяпти.

СУРАТДА: технолог-нормаловчи Ю. Висторовских 2-механика цехининг техника кабинетиде машғул олди боряпти. Доска ёнида Сергей Григорьев.

В. Клипиницер фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

СУРАТДА: Смакхитлар онласи сайрда.

О. Сизов фотоси.
ТАСС фотохроникаси.



Хар фаслнинг ўз хислати бор

КУМУШ ҚИШ КУНЛАРИДА

Қиш фасли ўз файзи-тароватини намойиш этиб, совуқ ҳавоси ва оппоқ қорлари билан шаҳар кезмоқда. Шу кезларда кунлар қисқа, тунлар узун бўлиб, бу декабрь ойи натижада давом этади.

Она сайёрамизнинг қиш фаслидаги ҳаракати қизиқарли: 22 декабрда Ер шарининг жанубий ярим шарини қўйишга қараган бўлади, шунинг учун жанубий ярим шар шимолий ярим шарга нисбатан Қўёшдан кўпроқ иссиқлик олади, яъни декабрда жанубий ярим шарда ёз бошланиб кунлар узун, тунлар қисқа бўлади, айни

вақтда шимолий ярим шарда қиш киради-да, кунлар қисқа, тунлар узун бўлади. Қишда шимолий ярим шарда Қўёш уфқдан балинд кўтарилмайди. Декабрда Қўёш Тошкентда уфқдан 25,5 даража, Москвада 11 даража балинд кўтарилди. Ернинг 22 декабрдаги ҳолатида шимолий ярим шарда кунлар қисқариб кетади, эрувчанлик бўлади, баъзан тунлар қисқариб кетади.

Бу пайтда Тошкентда куннинг узунлиги 9 соатга, тун эса 15 соатга тенг бўлади. Она дийримизда бу йилги қиш ёғин-сочинли бошлаб, бот-бот ёғирлар, қорлар ёғаяпти, совуқ ҳам яхшигина заптига олиб турибди. Шу ойнинг охирилари, 25 декабрдан қиш чилласи — 40 кунлик совуқ кунлар бошланади.

Шаҳримизнинг табииати қизиқ. Қор ёғини ёғиб туриб, бирдан ҳаво очилиб кетади, қуёш чарақлайди, эрувчанлик бўлади, баъзан кунлар қисқариб кетади.

Янги — 1987 йилимиз тобора яқинлашиб келмоқда. Қиш фаслининг биринчи ойини тугатиб, Янги йилни қизғин меҳнат, яхши кайфият ва сийҳат-саломатлик билан қарши олайлик.



«Хиёбон қишининг оппоқ либосида».

Х. Солиқов фототўди.

Коинот сирлари

ЕР ҚЎЁШГА

ЯҚИНЛАШГАНДА

Ердан Қўёшгача бўлган масофа 149,5 миллион километр ташкил этади. Аммо бу оралиқ йил давомида ўзгариб туради.

Осмоннинг доимий ҳаракат қонунига кўра, 1987 йилнинг 3 январиде Ер Қўёшга жуда яқин келади. Бу вақтда ўртадаги масофа 147 миллион километр ташкил этади, шу кундан кейин сайёрамиз Қўёшдан узоқлаша бошлайди. 5 июлда Ер Қўёшдан энг узоқ — 152 миллион километр масофада бўлади.

Ер шарни кун давомида ҳам Қўёшга гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоқлашиб туради. Январда уйдан юлғача биз Қўёшга туш пайтда яқинроқ бўлсак, июлда январгача кечкурун яқин бўламиз.

МЕН СЕВГАН ТОЛЛАР

Қатра

Дадамларнинг айтган сўзлари, режалари билан томоғимизга бир қатор тоқ эдим. — Яхши экибсан... Барака топ. Энди, «Бир тўп тоқ экиб, икки тўп тоқ эки!» деган ҳикмат бор.

Боғимиз эгалидаги тоддан иккита йўғонроқ пойсини кесиб, ҳар бирини тўртта бўлдим.

Чуқурини кенгроқ қавлаб, иккис қўйиб экин толларида қараб хурсанд бўламиз. Кечин пайт дадам келганларида, юзларини мен кутган қувонч эмас, аллақандай норозилик, тундлик қоплади.

— Қора тоддан экибсан-да, — дедилар шоп мўйловларини бураб. — Бу тоқ тоқ сўрсинга бўлмайди! — ҳайрон бўлиб сўрайман. — Пойсини ишом учун эгилмайди. Хиёб эгсанг қарсиклаб синиб кетади. — Хўп, дадажон, — дедим-у, оқ тоқ биядаги қора тоқ тағига бордим. Бир дам бояларига ҳавас билан тикилдим. Айниқса, дадамларнинг ҳикматиона сўзлари унга меҳримин улаган эди.

Ғани АБДУЛЛАЕВ, боғбон.

ОБ-ҲАВОНИ

КУЗАТГАНДА

Ез ойларида ёғингарчилик бўлиб, куз иссиқ келса, ўша йили қиш узоқ давом этади. Агар дарахтлар япроғи батамом тўқилмай қолса, қиш қаттиқ, аёзлик келади. Дарахтлар япроқ тўқилиши кечинкитирса, ўша йили қиш совуқ ва узоқ давом этади.

Ёз неъматини — қиш ғаниматини

АНОР СУВИ

Анор суви хушбўй ичимлик бўлиб, унинг таркибида организм яхши ҳаёт қилдирган шифобахш элементлар кўп. Унда 15 процентта янги қанд, турли органик кислоталар, жумладан лимон кислотаси бор, у хушбўй ҳил беради, ташналикни яхши босади.

Анор сувиде каллий моддаси кўпчилиги жиҳатидан бошқа мева сувларидан устун туради. Шунинг учун қон босими касаллиги, қон айланиши етишмовчилиги бор беморларга анор суви ичишни тавсия қилиш мумкин. Гастрит, энтероколит бор беморлар, шунингдек меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси зурайган пайтда анор сувини бошқа мева сувлари каби сувга қўшиб ичиш керак.

Анор сувиде витамин В группаси, витамин РР, С, провитамин А (ка-

ротин) анча-мунча. Фолатин, пантотенат кислотаси, витамин В6 жуда кўп. Бу витаминлар моддалар алмашилувида қатнашади, организмда оқсилнинг синтезланишида шитирок этади. Ёшлар ва угревод алмашилувининг нормаласолади, фолатин эса, қоридеги-лардан ташқари камқонликнинг баъзи турларида қон таркибига ижобий таъсир этади. Анор суви таркибиде фолатин, пектин моддалар, шунингдек танин (олсовчи модда) бўлгани туфайли у ҳазм органларининг турли яллиғланиш касалликларида фойдалидир. Жумладан, у ич бузилганда шифо бўлади.

Санотимиз анор суви экстракти, шарбати ва соусини ишлаб чиқаради.

М. ОРИҒОЖОНОВА тайёрлаган.

БУ АЖАБ ДУНЁ

Табиятда ҳар хил воқеа-ҳодисалар бўладики, киши ҳайрат-ҳаяжонга тушади. Қуйидаги икки воқеа илонлар ҳақида бўлиб, уларнинг бирида тасодифий фойна, иккинчисиде халоскорлик баён этилган.

ҲОЖИЛИ ОВ...

Перулик дехқон Рикардо Купингача ўғли билан овга борган эди. Ота баҳайбат бўлма илоннинг қурбони бўлди. Бу ҳодиса Перу районларининг бирида рўй берди. Салкам етти метрли илон қутилмаганда Рикардога ташланди. Илон унинг бутун танасини оёғига ураб олиб,

сўнг ютиб юборди. Бу ҳол ўғлининг кўз ўнгига юз берди. Ерданга шовилган бошқа дехқонлар, гарчи таъб ва болталар билан қуролланган бўлсалар-да, илонни туттишолмади.

ИЛОН ЛАМПОЧКА ЮТДИ

Ҳиндистондаги паррандачилик фермаларидан бирида

120 сантиметрлик илон суд-ралиб бориб, икки дона электр лампочкани ютиб юборди. «Меҳмон»га медицина тез ёрдами кўрсатишга тўғри келди.

Қирқ беш минутлик операциядан кейин лампочкалар бутунлигича, синмасдан сақланган ҳолда илон ичидан олинди. Бундан бағоят «хурсанд» бўлган илон ўз халоскорининг бўйига чиқиб олди.

ТАБИАТ ВА БИЗ



АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОҒАЗА ЭТИШ БЎЙИЧА КОНКУРС

Ўзбекистон Гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш республика бошқармаси Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрилиги ва Ўзбекистон табиий муҳофаза этиш жамияти билан биргаликда атмосфера ҳавосининг ифлосланишини камайтиришга доир ишларни энг яхши ташкил этиш бўйича саноат корхоналарининг республика кўрик-конкурсини ўтказди.

Кўрик-конкурс республикамиз саноат корхоналарида атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш ишларини комплекс текширувдан ўтказишни кўзда тутди. Текширув ҳавонинг зарарли моддалар билан ифлосланишини камайтиришга қаратилган.

Конкурс оммавий характер касб этади. Унда барча саноат корхоналари, иссиқлик-электр марказлари, ГРЭСлар ва бошқа объектлар қатнашиши мумкин, бироқ улар атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг мўқим манбалари ҳисобланади.

Ҳаюга зарарли моддалар чиқариш микдори ва санитария классификациясига кўра саноат корхоналари бир неча гуруҳларга бўлинади.

Конкурсда қатнашиш учун корхонада кўрик комиссиялари ташкил этиш зарур. Комиссия составига партия, комсомол ва касба союз ташкилотларининг вакиллари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш учун масъул инженер-техник ходимлар, ишлаб чиқариш новаторлари ва илгорлари, табиий муҳофаза этиш жамиятининг активистлари, жамоатчи инспекторлар киритилади. Кўрик комиссиясининг раиси этиб корхона раҳбари ёки бош инженер тайинланади.

Саноат корхоналарида кўрик комиссиялари конкурс якунларини кўриб чиқиш учун 15 апрелгача бўлган муддатда Гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш Ўзбекистон бошқармасининг бўлиб бўлиналари адресига об-ласт конкурс комиссиясига статистика ҳисоботининг тасдиқланган формалари бўйича атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш юзасидан қилинган ишлар ҳақида ҳисобот жўнатадилар.

Қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботда корхонанинг ҳужалик фаолияти тўғрисидаги қисқача маълумотлар, адрес ва расмёт сўчтининг номери кўрсатилиши керак.

Област конкурсларида дастлабки икки ўринни эгаллаган корхоналарга республика конкурсиде қатнашишга руҳсат берилади. Област комиссиялари 1 майгача бўлган муддатда республика комиссиясига қуйидаги адресга конкурс материалларини юборишлари керак: Тошкент шаҳри, Г-52, Обсерватория кўчаси, 72, Ўзбекистон УГКС.


Республика конкурс комиссияси 25 майгача бўлган муддатде кўрик-конкурс якунларини чиқаради ва ғолибларни мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилади, у Ўзбекистон табиий муҳофаза этиш жамияти республика Советининг Президиуми томонидан тасдиқланади.

Конкурс ғолибларини мукофотлаш учун 3 минг сўм миқдориде учта биринчи мукофот, олти 2 минг сўмдан иккинчи мукофот, тўққизта минг сўмдан учинчи мукофотлар тасдиқланади.

Уттизе энг яхши корхона Ўзбекистон УГКС, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрилиги, Ўзбекистон табиий муҳофаза этиш жамиятининг ёрлиқлари билан тақдирланади.

ШАКЛДОР ДАРАХТЛАР

Она табиятнинг қизиқ мўъжизалари бор. Дарахтлардан олинган мана бу шох-шабалларнинг бири эчкиэмарга, дум қисми илонга, иккинчи суратдаги дарахт танаси эса худди туяни эслатади. Бу антиқа шаклларни штатсиз фотомуҳбиримиз Ҳабибулло Шодиев суратга олган.



Журналларнинг янги сонларида

«МУХБИР» — «КОРРЕСПОНДЕНТ»

«Мухбир» — «Корреспондент» журналнинг ноябрь сони босмадан чиқди. Бу сон Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг III пленуми тўғрисидаги инфомацион билдириш билан очилди. Бу сонда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумининг «КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология ишнинг самардорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотининг ва-зифалари» ҳақидаги қарори ҳам эълон қилинган.

Журнал «Қайта қуриш — давр талаби» рубрикаси остида ташкил этилган «Мухбир» — «Корреспондент» журнали анкетасига жавоблар босилиши давом эттирилган.

«Телевидение. Радио» рубрикаси остида Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиотўғриловчи давлат комитети раисининг ўринбосари Ш. Яхёев ҳамда хатлар ва социологик тадиқотлар бош редакциясининг бош редактори В. Богдасаровнинг «Телеомашинлар

билан ижодий ҳамкорликда» сарлавҳали мақолалари эълон қилинган.

«Ўзбекистон Журналистлар союзининг VII съезди олдидан» рубрикаси остида Р. Гуломовнинг «Сустнашлиқдан қатъий халос бўлайлик» сарлавҳали мақоласи берилган. «Матбуот тарихи саҳифаларидан» рубрикаси остида эса тарих фанлари кандидати В. Абдуллаев ва З. Нурмановнинг «ТуркРОСТАнинг «Деворий газеталари» сарлавҳали материаллари берилган.

Журналнинг бу сониде матбуот, телевидение ва радиода «Самарали меҳнат ва соғлом турмуш учун» Бутуниттифок рейдининг боришини энг яхши ёритиш бўйича республика конкурс якунлари, «СССР Журналистлар Союзининг Бутуниттифок фотокомиссияси тўғрисида» ҳамда «Туризм ва экскурсияларни ривожлантириш масалаларини» матбуот, телевидение ва радиода энг яхши ёритиш бўйича республика конкурс якунлари берилган. Н. ХУҲАЕВ.

Маданият масканларида

«ТАБАССУМ» КЕЧАСИ



Ҳамза районининг «Янги-обод» кинотеатрида кулги шинавандалари учун табас-сум кечаси бўлиб ўтди.

Райондаги Ҳамза номидаги Маданият уйи ташаббуси билан ўтказилган бу кечаде Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театрининг талантли актери, Ўзбекистон Ленин комсомол мукофоти лауреати Тоша Мўминов, Мўқимий номидаги Ўзбек музикали комедия театрининг санъаткорлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

артистлар Ҳусан Шарипов ва Сурбат Пулатов ҳамда артист Файзулла Аҳмедов иштирок этишди.

Ҳаётимизда учраб турадиган баъзи иллатлар — мансабпарастлик, порахўрлик, тенкитомоқлик устидан қудуви лаҳзада маҳорат билан ижро этилди.

Маданият уйининг бадийи ҳаваскорлари ҳам ўз қишлари билан барчани мамну этишди.

СУРАТЛАРДА: «Табас-сум» кечасидан лаҳзалар. Х. Шодиев фотолари.



Шунақаси ҳам бўлади

БИТТА КАРАМ — 26 КИЛОГРАММ

Жамбул область Трубицин номидаги мактаб ўқувчилари-га Жданов номи колхоз прав-ленисеи дехқончилик қилиш учун ер ажратиб берган эди. Етти гектар ерга карам экиб, кам деганда минг центнер ҳосил йиғиб топириш лозим эди. Ўқувчилар топиришни бажариш учун астойдил меҳнат қилишди. Яна қилиш,

ишлов бериш, чопиқ қилиш, ўғитлаш, сугориш ишлари юқори даражада бажарилди. Натияжада ўқувчилар деганда карам ҳосили мўл ва йирик-йирик бўлди. Ҳар бир дона карам 15—20 килограммдан келган бўлсе, улар ичиде энг каттаси — 26 килограмм чиқди. Топшириқ 200 процент адо этилди.

Велосипедда мамлакат буйлаб

Нина Дмитриевнанинг Карелия Автоном республикасидаги Кемь шаҳридан Тинч океани соҳиллари томон велосипедда саёҳат бошлаганига икки йилга яқинлашиб қолди. У ўзининг бу ноёб саёҳатини Улуг Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига атаб ташкил этди.

Яқинда Нина Дмитриевна Тошкентда тўхтаб ўтди. У бу ерга келгунга қадар Болтиқ бўйи, Закарпатье, Кавказ, Ур-

та Осиё, Қозоғистон, Сибирь, Узок Шарқ йўлларини босиб ўтди. Ҳозир у қайта йўналишда ҳаракатни давом эттирмоқда. Унинг велосипедда босиб ўтган йўли деярли 60 минг километрга етди.

Нина Дмитриевна Тошкентда бўлган чоғида унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди:

— 68 ёшинида бундай қийин саёҳатга чиққанлигинизнинг сабаби нимада?

— Кексалик менга тўққинлик бераётгани йўқ, — дея жўнлайди у. — Аксинча ердан бермоқда. Спорт билан шуғулланган киши ҳамisha дадил ва соғлом бўлишини амалда исботламоқдаман. Велосипед спорт билан шуғулланганга нисбатан ун йилдан ошди. У меннинг ҳақиқий ҳамроҳим бўлиб қолган.

— Ун бир йил муқаддам Н. Д. Баженова оғир жароҳатланди. Инвалид бўлиб қо-

лиши ҳам мумкин эди. Йўқ, бундай бўлмади. У врачларнинг маслаҳатига кўра жисмоний тарбия билан шуғуллана бошди. Аста-секин машқларини мурракблаштириб борди. Узок масофага пийда юриш билан шуғулланди. Кейин эса велосипедга иҳсос қўйди. Шундай қилиб, спорт билан мунтазам шуғулланиш тўғрисида у ҳасталикни енгди. Шундан кейин Урта Осиё бўйлаб велосипедда саёҳатга чиқди.

— Бу ўзинга хос машқ-саёҳат эди, — дея эслайди Н. Баженова. — Ушандаёқ бутун мамлакат бўйлаб велосипедда кезиб чиқшини мақсад қилиб қўйган эдим...

— Нина Дмитриевна, Тошкент Сизда қандай таассурот қолдирди?

— Биринчи кўнгиқ шаҳарни пийда томоша қилдим. Мамлакатимиздаги жуда кўп шаҳарларни кўрганман. Лекин, уларнинг орасида энг чиройли ва меҳмондўсти Тошкент экан. Бу ерда салимий ва саҳий кишилар яшашаркан. Қўчалардан бирда менга нота-ниш қизлар гулдаста тақдим қилишди. Бундан ортиқ саҳийлик бўладими.

С. ВЕЛИЧКИН.

СУРАТДА: йўлга чиқиш олдидан велосипедни кўздан кечириш; унда Н. Д. Баженова ва велосипед спорт буйица Узбекистон терма командасининг механиги А. Хайдуков.

[УТАГ фотохроникаси].



ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР БАҲСЛАШИШДИ

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» иш-лаб чиқариш бирлашмаси физкультура коллективи спортни оммаштириш, уни ишчи ва хизматчиларнинг мазмунли дам олиш воситасига айлантириш борасида ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Шанба ва якшанба кунлари корхонанинг спорт зали ва стадионида спортнинг бирон тури бўйича мусобақа ўтказиш

бу ерда одат бўлиб қолган. Навбатдаги беллашуларда корхона волейболчилари иштирок этишди. Корхона биринчилиги учун ҷех ва бўлимларнинг 17 командаси кураш олиб борди. Уларнинг сафида 35-хунар-техника билим юртининг командаси ҳам бор эди. Коллективлар дастлаб икки гурӯпада беллашишди. Дастлабки босқич мусобақаларида яхши кўрсаткичларга эришган

командалар ғолиблик учун курашиш ҳуқуқига эга бўлишди. Улар 7 ва 27-ҷехнинг волейболчилари эди. Бу сафар ҳам 7-ҷехнинг волейболчилари яхши ўйин кўрсатиб, бирлашма физкультура советининг кубоги соҳиби бўлишди. 4-ҷех волейболчилари эса учинчи совриндор бўлишди.

О. МАХМАЮСУПОВ,
Ж. НАРЗИКУЛОВ.

МУСОБАҚАЛАР ХРОНИКАСИ

САМБОЧИЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Львов шаҳрида СССР Кубоги учун ўтказилган самбо мусобақаларида республикамиз вакиллари ҳам иштирок этишди. Барча олишуларда юксак тактик ва техник маҳорат кўрсатган Россия Федерациясининг вакиллари мамлакат Кубогининг соҳиби бўлишди. Республикамиз вакиллари эса москвалик самбочилар билан тенг натижа кўрсатиб, учинчи ўринни эгаллашди.

Шахсий ҳисобда тошкентлик армиячи Эркин Холиқов совриндорлар сафидан жой олди. У финал олишувида имкониятнинг бой бериб, фахрий шоҳсупанинг иккинчи поғонасига му-тарилди.

МАЙДОН ЭГАЛАРИ УСТУНЛИГИДА

Тошкентдаги сув спорт саройида ўтказилган В. Митрофанов хотира соврини учун республика мусобақаларида турли областлардан келган 400

дан зиёд спортчи иштирок этди. Бақслар давомида тошкентлик спортчиларнинг устунлиги аққол кўзга ташланиб турди. Жумладан, спорт мастери И. На Тищенко тўрт марта фахрий шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиди. Яна бир ҳамшахсияти Павел Пак уч дистанцияга ўтказилган мусобақада маррага биринчи бўлиб келди.

Шахсий кўрсаткичлар коман-да натижаларига ижобий таъсир кўрсатди Умумий аян-да Тошкентдаги «Меҳнат» кўнгили спорт жамаитининг вакиллари биринчи ўринни эгаллашди.

«ЛУЧ» УРГАТМОҚДА

Акмал Икромов районидида 24-ЖЭК қошидаги «Луч» ўсмирлар клубининг фаолият кўрсатётганига 20 йил тўлди. Ҳозир клуб секцияларида 300 дан зиёд ўсмир шуғулланмоқда. Улар асосан 107, 194, 228-мактабларнинг ўқувчиларидир. Машгулотлар қатъий график асосида ўтказилмоқда. Ўсмир-

лар турли мусобақаларда ту-рар жой участкаси ва мактаб шарафини муносиб ҳимоя қи-ляпти.

Айниқса Алексей Буркин раҳбарлик қилаётган шахмат секциясининг иши самарали бўлмоқда. Секция қатнашчилари-дан Дилшод Орипов, Фур-хат Абдуллин, Нодира Гуломов-ва, Гарри Хачатрянлар област мусобақаларида яхши натижа кўрсатиб, тренер ва мута-хассисларни хушнуд этишди.

Марат Салихов етакчилик қилаётган футбол, Борис Ше-ралиев етакчилик қилаётган во-лейбол секцияларининг маш-гулотлари ҳам қизиқарли ва самарали бўлмоқда. Амалга оширилётган ибратли ишлар-да 2-автомобил коллекти-вининг ҳам хизмати бор. Бу коллектив клубни мунтазам зарур жиҳозлар билан таъмин-лаб, машгулотлар вақтида ва самарали ўтишига ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

реклама эълонлар реклама

СССР ДАВЛАТ ИНТУРИСТ КОМИТЕТИНИНГ
ТОШКЕНТ БЎЛИМИ

Шу йилнинг декабридан 1987 йилнинг март ойигача меҳнаткашларини туристик саёҳатларга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Туристлик гурӯпалар камид 15—30 кишидан иборат бўлиши керак.

Туристлар Тошкент шаҳрининг тарихи, унинг револю-цион анъаналари, маданияти, замонавий архитектураси ва қадимий шаҳарнинг тарихий ёдгориликлари билан тани-шадилар. Бир туристни икки ўрнили номерда жойлашти-риш ҳақи — 8 сўм;

бир туристнинг овқатланиш ҳақи — 8 сўм 60 тиин; шаҳар доирасида амалга оширилган экскурсиянинг ҳақи — 3 сўм;

шаҳардан ташқари уюштирилган экскурсиянинг ҳа-қи — 5 сўм 50 тиин.

Туристлар — тарих, санъат, жанговар шон-шухрат ва амалий санъат музейлари, В. И. Ленин номидаги марказий музейнинг Тошкент филиалини бориб кўрадилар, театр-лар ва циркка тушадилар.

Туристларнинг хоҳишига кўра Тошкент бўлими улар-ни ўзбек миллий таомлари дастурхонига таклиф этиши, Ўзбек давлат филармониясидаги миллий концертларга ва Давлат интурист комитетининг маданий-ахборот марка-зига экскурсиялар ташкил этиши мумкин.

СССР Давлат интурист комитетининг Тошкент бўлими, чунончи декабрь ойидан бошлаб келаси йилнинг март ойигача ҳар йили «Интурист» маршрутлари бўйлаб, яъни Совет Иттифоқининг энг йирик шаҳарлари, иттифодш республикаларнинг пойтахтлари, Қора денгиз соҳилда-ги курорт марказлари, Болтиқ бўйидан дам олиш зона-лари, Байкал кўлида дам олиш билан бирга Сибирь дё-рининг хушманзара районлари, қаҳрамон шаҳарлар, Ле-нинград, Волгоград, Одесса, Харьков, Орёл, даволаниш учун Цхалтубо ва шунга ўхшаш курортларга сафар қилиш учун гурӯпалар ва шахсий туристик сафарларга чиқишни ҳам таклиф этади.

Қулай ва лийна меҳмонхоналар, рестороилар ва «Ин-турист» транспорти туристлар хизматига бўлади, саё-ҳатчилар музейларини кўргасиз вақтларида, гузал тари-хий ёдгориликлар, шаҳар ташқарисидда уюштирилган мароқли сайлаларда бўлиб кўнгили дам оладилар.

Путёнкаларни нақд пулга ва давлат меҳнат омонат кассаларига пул ўтказиш йўли билан харид қилиш мум-кин.

Маълумотлар олиш учун ушбу адресга мурожаат қи-лисин: 700078, Тошкент шаҳри, Советская кўчаси, 2-уй.

СССР Давлат интурист комитетининг маданий-ахборот маркази. Телефонлар: 33-84-62, 33-82-36.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БОШҚА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар иқроия комитетининг меҳнат бўлими қошидаги

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ШАҲАР БЮРОСИ

корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларнинг ишчи кадрлар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга бўлган эҳтиёжлари ҳақида ахборотлар ташкил этиш юза-сидан

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШГА КИРИШДИ

Вакант вазифаларнинг сони ҳақидаги барча ахборот-справка ишлари фақат Тошкент шаҳар аҳолини ишга жойлаштириш бюросидагина марказлашган.

Кадрларга бўлган талаб ҳусусида радио, телевидение, матбуот, «Ишга жойлаштириш хизмати» ахборот тахта-ларида ахборотлар бериб бориш масалалари юзасидан буюр фақат шартномалар тузган корхоналар ва ташкилот-ларгагина хизмат кўрсатади.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙўЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН.

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона;

Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй; Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;

Чиланзор район пункти — 2-квартал, 3-уй; Хамза район пункти — Хасанова кўчаси, 10-уй;

Қуйишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй; Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй;

С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй; Акмал Икромов район пункти — Фарҳод кўчаси, 21-уй;

Сергели район пункти — Спутник, 2-квартал, 69-уй; Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашір-тининг Меҳнат Қизил Байроғ ордени босмасонаси. Тошкент шаҳри.

Тошкент рестороилар трестининг

«РОССИЯ» РЕСТОРАНИ

8-10 синф ҳажмида маъ-лумотли, Тошкент шаҳрида доимий пропискида турувчи, 30 ёшгача бўлган қиз ва аёлларни

ОШПАЗЛАР МАКТАБИГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Стипендия — ойига 53 сўмдан 63 сўмгача.

Ўқиш вақти меҳнат ста-жиға қўшиб ҳисобланади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Саперная майдони, 2-уй.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

тикувчи-мотористлар, тў-кувчилар, ОТК контролёр-лари, мастерларнинг ёрдам-чилари, насос станциялари-нинг машинистлари, ашпарат-чилар, ремонтчи-слесарлар, сантехниклар, бўёқчилар, газ-молларни ўроччилар, мўй таровчилар, юк жўнатувчи-лар, тарзобонлар, бўяш-пар-дозлаш ишлаб чиқаришнинг бошқа ихтисосдаги ишчилари.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Министратяспедстрой «УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МОНТАЖ

БОШҚАРМАСИГА

1, 2, 3-класс шоферлари, автокранчи, двигателлар ре-монт буйича автослесарь, участка бошлиқлари, про-раблар ва иктисодчи.

Справклар ва ишга йўл-ланмалар олиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона, шунинг-дек район иқроия комитет-лари кузурдаги аҳолини ишга жойлаштириш пункт-лари.

«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР»

ЭСЛАТАДИ!

Электрлан фойдаланганлик учун ўз вақтида ҳақ тўлаш ҳар бир кишининг бурчидир.

Фойдаланган электр учун ҳар ойнинг 1—5 кун-лари счег ёзиб, уларни беш кунлик муддат ичида Тош-кент шаҳар меҳнат давлат омонат кассаларининг кириш кассаларига тўлаш лозим.

Агар сиз электр учун ҳақ тўлашни унутиб қўйган бўл-сангиз, уни тезда тўлашни-га зинна маблаҳат берамиз.

ЕДДА ТУТИНГ! Ўз вақ-тида электр ҳақи тўланмаса электр билан таъминлаш тўхтатиб қўйилади.

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГУЛЧЕҲРА»

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГУЛЧЕҲРА» МАКТАВ-МАГАЗИНИДА ҚИЗЛАР 6 ОИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ КАС-БИНИ ЭГАЛЛАЙДИЛАР.

Курсларга 16 дан 26 ёшгача бўлган, 8 ва 10-синф ҳажмида маълумотли хотин-қизлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга ойига 52—63 сўм миқдоридида стипендия тўланади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Привокзальная кўчаси, 32-уй, Ленин район озиқ-овқат савдоси кадрлар бўлими (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 20-трамвай тарини «Будённый кўчаси» бекати).

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ХОНАТЛАС—

ЖОНОН АТЛАС

ХОНАТЛАС ўзининг шўхчан гули билан камалак жи-лосидек товляниб туради. Бундай матодан ҳажмдор, кенг, чиройли модала қўйлақлар тиктирилади. Хонатласнинг камалак ёни сингари шиддатли тасвири мода ишқибоз-ларига либосининг қандай тиклишини гўё ўзи айтиб тур-гандек туолади. Қўйлақ фасони мурракб бўлмай, қан-чалик содда бўлса шунчалик яхши.

«ПЕРСПЕКТИВА» магазинида, ГУМ, ЦУМда, «ТАШ-ТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» магазинларидан ранг бараанг тусли хонатласларни сотиб олиш мумкин.

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ